



SPECIFIC FEATURES OF THE PROFESSIONAL LIABILITY INSURANCE CONTRACT

Izzat T. Palvanov

Researcher

Tashkent State Law University

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: palvanov.izzat@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: professional liability, professional liability insurance, lawyer, notary public, medical practitioner, professional malpractice, franchise, important terms of contract

Abstract: The article is devoted to the study of the legal nature of the professional liability insurance contract. The author gives a comparative description with other types of liability insurance and defines its specific features.

Received: 22.12.22

Accepted: 24.12.22

Published: 26.12.22

КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ СУҒУРТАЛАШ ШАРТНОМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Иzzat T. Палванов

Таdқиқотчи

Тошкент давлат юридик университет

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: palvanov.izzat@mail.ru

MAQOLA HAQIDA

Калит сўзлар: касбий жавобгарлик, касбий жавобгарликни суғурталаш, адвокат, нотариус, тиббиёт ходими, касбий хато, франчайзинг, шартноманинг муҳим шартлари

Аннотация: Мақола касбий жавобгарликни суғурталаш шартномасининг ҳуқуқий моҳиятини ўрганишга бағишланган. Муаллиф жавобгарликни суғурталашнинг бошқа турлари билан қиёсий тавсиф беради ва унинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

ОСОБЕННОСТИ ДОГОВОРА СТРАХОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ

Иzzат Т. Палванов

Исследователь

Ташкентский государственный юридический университет

Ташкент, Узбекистан

E-mail: palvanov.izzat@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: профессиональная ответственность, страхование профессиональной ответственности, адвокат, нотариус, врач, профессиональная ошибка, франшиза, важные условия договора	Аннотация: Статья посвящена изучению правовой природы договора страхования профессиональной ответственности. Автор дает сравнительную характеристику с другими видами страхования ответственности и определяет его особенности.
--	--

КИРИШ

Ҳозирги вақтда илмий адабиётларда “касбий жавобгарлик” тушунчаси бўйича ҳам, касбий жавобгарликни суғурталаш шартномаси бўйича ҳам ягона тўхтам мавжуд эмас. Кўриниб турибдики, ушбу шартноманинг асоси, биринчидан, касбий жавобгарликни суғурталаш шартномасини ҳуқуқбузарлик ва шартномавий жавобгарликни суғурталашдан ажратиб турадиган белгиларга, иккинчидан, ушбу муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайдиган белгиларга асосланиши керак.

АСОСИЙ ҚИСМ

Биринчидан, ушбу шартноманинг ўзига хос хусусиятлари касбий фаолият билан шуғулланадиган махсус шахснинг мавжудлиги. Суғурта ҳодисасининг юзага келишини белгиловчи омиллар суғурталанган шахснинг касбий вазифалари соҳасига киради ва унинг касбий ваколатига боғлиқ ҳисобланади.

Иккинчидан, касбий жавобгарликни суғурталаш шартномасининг (шунингдек, умуман фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш) ўзига хослиги шундаки, жавобгарлиги суғурта қилинган шахс томонидан эмас, балки учинчи шахс (бенефициар) томонидан етказилган зарар ва йўқотишлар қопланади. Зеро бу ўринда гап учинчи шахс фойдасига шартнома ҳақида кетмоқда. Бироқ, анъанавий равишда адабиётларда суғурта шартномасини учинчи шахс фойдасига тузилган шартнома сифатида тушунишга ноаниқ муносабат мавжуд. Мол-мулк ва тадбиркорлик хавфи суғуртаси муаллифлар томонидан учинчи шахс фойдасига тузилган шартнома таркибига киритилиши эътирозларга сабаб бўлган, бундан ташқари, касбий жавобгарликни суғурта қилиш шартномасини кўплаб

муаллифлар бундай шартномалар таркибига киритишмайди. Шу билан бирга, суғурта бошқарувнинг анча эски ва доимий шакли эканлигини унутмаслик керак.

Хусусан, В.А.Рахмиловичнинг фикрича, агар жавобгарликни суғурталаш шартномаси учинчи шахс фойдасига тузилган шартнома сифатида тан олинган бўлса, унда ким бенефициар сифатида зарар етказганлиги учун жавобгарликни суғурталаш шартномасида кўрсатилган бўлса ёки бенефициар шартномада умуман кўрсатилмаган бўлса, унда ҳар доим бенефициар қонун талаби бўйича фақат жабрланувчи бўлади. “Натижада, жабрланувчи суғурта қилдирувчининг иродасидан қатъи назар суғурталовчига қарши даъво қилиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Бунда суғурта қилдирувчи учинчи шахсларга етказилган зарар учун жавобгар бўлиши мумкин бўлган тақдирда ўзи учун суғурта ҳимоясини сотиб олади ва суғурта қилдирувчига ушбу ҳимояни тўлиқ амалга ошириш имконияти бу учинчи шахсларнинг қўлида бўлиб чиқади”.

Фикримизча, ушбу нуқтаи назар баҳслидир. Жавобгарликни, шу жумладан профессионал жавобгарликни суғурталаш шартномасида, икки субъект - профессионал, яъни буюуртмачига зарар етказилган ҳолатларда суғурта мажбурияти мавжуд бўлганлиги сабабли салбий оқибатларга учрамайдиган шахс ва шу суғурта мажбурияти мавжудлиги боис зарар етказилганда компенсация олишга ҳақли бўлган шахснинг манфаатлари ҳимоя қилинади. Суғурталовчига даъво қилиши мумкин бўлган учинчи шахс эканлиги, бу ҳолда суғурта қилдирувчи суғурта ҳимоясидан маҳрум дегани эмас. У суғурталовчига компенсация қилиш мажбуриятини ўзгартириб, касбий хатосининг салбий оқибатларини кўтармаслиги билан ўз ҳуқуқидан фойдаланади.

Ушбу шартноманинг бошқача талқини, бизнинг фикримизча, жабрланувчининг аҳволини ёмонлаштиради, у биринчи навбатда суғурта қилдирувчига мурожаат қилиши керак ва у ўз навбатида суғурталовчига даъво тақдим этиши лозим, бу эса тўловни олиш вақти чузилиб кетишига сабаб бўлади. Бироқ, биз ФКнинг 918-моддаси тўртинчи қисми борасида муаллиф томонидан билдирилган фикр билан келишишимиз мумкин. Ушбу нормага биноан, зарар етказганлик учун жавобгарлик уни суғурта қилиш мажбурий бўлгани сабабли суғурталанган тақдирда, шунингдек қонунда ёки бундай жавобгарликни суғурта қилиш шартномасида назарда тутилган бошқа ҳолларда суғурта шартномаси ўз фойдасига тузилган деб ҳисобланувчи шахс зарарни суғурта пули доирасида тўлаш тўғрисида бевосита суғурталовчига талаб қўйишга ҳақли.

Шундай қилиб, қонун чиқарувчи, бизнинг фикримизча, ўзбошимчалик билан чекловни ўрнатади. Ва бу ерда биз В.А.Рахмиловичнинг қуйидаги фикрига қўшилиш мумкин: "ушбу чекловнинг сабаби ва суғурта компенсациясини 931-модда учинчи

қисмининг мажбурий нормаси туфайли у ҳали ҳам тўлиқ ва сўзсиз ўтказилиши керак бўлган шахсга ўтказишнинг мураккаблиги нима эканлигини айтиш қийин. Агар жабрланувчидан бошқа ҳеч ким бенефициар бўла олмаса, унда ФКнинг 362-моддаси учинчи шахс фойдасига шартномалар бўйича умумий қоидадан четга чиқиш учун ҳеч қандай сабаб йўқ... шунга қарамай, ФКнинг 918-моддаси тўртинчи қисмига биноан шартномада бошқа шартлар кўрсатилган бўлмаса, фақат суғурта қилдирувчи суғурталовчи томонидан суғурта товон тўлашни талаб қилиши мумкин, бунда у олинган нарсани келажакда бенефициарга ўтказиши керак".

Хукукни қўллаш амалиётида ҳам ФКнинг зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлиги хавфини суғурталаш борасида аниқ ёндашув шаклланмаган. Хусусан, 2017 йил 29 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг "Судлар томонидан суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 45-сон қарорида ҳам ФКнинг 918-моддаси борасида ҳеч қандай тавсиялар мавжуд эмас.

Илмий адабиётларда ушбу нормани талқин қилишнинг яна бир асоси таклиф қилинган. К.Ишо жабрланувчини суғурталовчига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имконияти қонун ёки шартномада назарда тутилган ҳолатлар ҳақида эмас, балки зарар етказганлик учун жавобгарлик суғурта мажбурий бўлганлиги ёки қонун ёки шартномада бундай жавобгарлик суғурталаниши лозимлиги сабабли юзага келиши қайд этади. Шунингдек, бу хулоса суд амалиёти билан ҳам тасдиқланган.

Умумий фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш шартномаси, хусусан, ФКнинг 362-моддаси талабларига мувофиқлиги сабабли, учинчи шахс фойдасига тузилган шартнома деб ҳисоблаймиз. Шу муносабат билан, биз қонун жабрланувчининг барча ҳолатларда суғурталовчига тўғридан-тўғри даъво билан мурожаат қилиш ҳукуқини тасдиқлаши керак деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаш лозимки, мажбурий суғурта ҳолатида учинчи шахслар доираси суғурта қилдирувчига маълум, чунки у қонун билан белгиланиши керак (ФКнинг 922-моддаси биринчи қисми).

Ихтиёрий суғурта шартномасида учинчи шахсларнинг доираси кўрсатилиши керак (аниқ кўрсатма эмас, балки ушбу шахслар тоифасининг кўрсаткичи).

Учинчидан, бундай шартномадаги суғурта хавфи касбий вазифаларни бажаришда зарар етказиш имкониятидир. Шу муносабат билан суғурталанган шахснинг зарар етказганлиги учун фуқаролик жавобгарлиги юзага келиш ҳолатларини, шунингдек

зарарнинг ўзи миқдорини аниқлаш жуда муҳимдир. Касбий жавобгарликни суғурталашда суғурта хавфи касбий вазифаларни бажаришда зарар етказиш эҳтимоли ҳисобланади.

Илмий адабиётларда биров бошқача нуқтаи назар ифодаланган. Хусусан, В.В.Рассохин, Ю.В.Фогельсон жавобгарликни суғурта қилишда жавобгарлик хавфи суғурта қилинади, деб ҳисоблашади. Хавф мумкин бўлган шикастланиш бўлгани учун, жавобгарлик хавфи жавобгарликни юклатилиши натижасида юзага келадиган шикастланишдир. Ю.П.Свит шунингдек, фуқаролик жавобгарлиги хавфи суғурта қилинади, деб ҳисоблайди.

ХУЛОСА

Фикримизча, суғурта ҳуқуқий муносабатларининг вужудга келиши учун асосий мезон зарар, йўқотишларнинг мавжудлиги (айнан уларнинг етказилиши қопланиши талаб этади). Агар зарар етказилмаса, суғурта ҳуқуқий муносабатлари вужудга келмайди. Худди шу фуқаролик жавобгарлигининг вужудга келиши зарар етказишнинг натижасидир. Шунинг учун, касбий жавобгарликни суғурталашда суғурта хавфи касбий вазифаларни бажаришдаги зарар етказганлик учун жавобгарликка тортилмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ишо К. Возмещение вреда по договору страхования гражданской ответственности // Корпоративный юрист. – 2006. – № 7. – С. 78–80.
2. Иншакова, А. О. Новые формы хозяйствования как слагаемые успеха интеграции РФ в единое экономическое пространство с ЕС // Право и государство: теория и практика. – 2010. – № 10 (70). – С. 98–104.
3. Бартош В.К вопросу о квалификационной принадлежности договора страхования риска гражданской ответственности // Юридический мир. – 2003. – № 9. – С. 11.
4. Бартош В.К вопросу о квалификационной принадлежности договора страхования риска гражданской ответственности // Юридический мир. – 2003. – № 9. – С. 13.
5. Рассохин, В. В. К вопросу о правовой природе договора страхования риска гражданской ответственности // Журнал российского права. – 2009. – № 8. – С. 89–98.
6. Рахмилович, В. А. Новые виды страхования в Гражданском кодексе // Юридический мир. 1997. – № 12. – С. 67–78.
7. Ишо К. Возмещение вреда по договору страхования гражданской ответственности // Корпоративный юрист. – 2006. – № 7. – С. 78–80.

8. Рассохин, В. В. К вопросу о правовой природе договора страхования риска гражданской ответственности // Журнал российского права. – 2009. – № 8. – С. 89–98.
9. Фогельсон, Ю. Б. Договор страхования в российском гражданском праве : дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2005. – 135 с.
10. Гражданское право. В 2 ч. Ч. 2 / отв. ред. В. П. Мозолин. – М. : Юристъ, 2004. – 78 с.